Ушбу сонда:

2 *Меҳнат ва рағбат* МАТБААЧИЛАР МАОШИ бир йилда 6,5 минг сўмга ошди

3 TV - ДАСТУРИ

4 ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДА янги қорақалпоқ фильмлари ҳақида ўйлар

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 12 май, шанба №73 (1087)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Таиландда енгил атлетика бўйича мамлакат очиқ чемпионати ўз ниҳоясига етди. Унда 22 мамлакат спортчилари иштирок этди. Чемпионатда қатнашган мамлакатимиз енгил атлетикачилари бир қанча медалларга сазовор бўлишди.

Ҳамюртларимиз Павел Андреев ўн курашда, Любовь Перепёлова -200 метрга югуришда, Елена Пискунова - 400 метрга тўсиқлар оша югуришда, Замира Амирова - 800 метр масофага югуришда олтин медалларга сазовор бўлишди.

Илнур Сибагатуллин баландликка сакрашда, Гўзал Хуббиева 100 метр масофага, Елена Пискунова - 400 метр масофага югуришда, ва Ольга Шукина ядро улоқтиришда мусобақаларнинг кумуш медалларини қўлга киритишди.

Наталья Бессмертнова ядро, Лилия Дўстметова эса найза улоқтиришда бронза медалларга сазовор бўлишди.

(ЎзА).

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 11 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.



Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ва республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни ташкил этиб, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси бўйича молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Ахадов қўшимча маъруза қилди.

Мазкур масала муҳокамаси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ишларнинг етарли эмаслиги, ўз фаолиятига танқидий ёндашувнинг, маблағларни бюджетга жалб этишда тўсқинлик қилувчи омилларнинг чуқур таҳлили йўқлиги борасида қатор танқидий мулоҳазалар билдирди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ижтимоий мақсадларга ажратилаётган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қониқарсизлиги, мамлакатимизнинг қатор вазирликлари ва идоралари, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари томонидан бюджет ижроси бўйича назорат сусайтириб юборилганини қайд этди. Президент бу борада халқ хўжалиги тармоқларида бюджет ижроси, бошқарув аппарати учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли тарзда қисқартирилиши юзасидан доимий парламент назоратининг ўрнатилиши ва шу тариқа парламентнинг иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқ ҳаёти фаровонлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилишига таъсирини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг асосий молия ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокамасида Урганч касб-ҳунар қурилиш коллежи директори И.Бойжонов, Бўстонлиқ тумани ҳокими Ў.Неъматов, «Наманганирқурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев, Нукус шаҳри ҳокими И.Қалмуратов, «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки бошқарувининг раиси Ж.Сайфиддинов иштирок этди. Депутатлар 2000 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги бўйича давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Тўхташев «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини сессия эътиборига ҳавола этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Баҳронов, Андижон вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси А.Содиқов, Навбаҳор тумани ҳокими Г.Облоқулов, «Дон-халқ ризқи» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси А.Темиров ўз мулоҳазаларини билдирди. Парламент «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллади ва бу борадаги ишни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди.


Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Э.Саидаҳмедов, Термиз тумани ҳокими Б.Панжиев, Олий Мажлиснинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси котиби Э.Мирзаев, Улуғнор тумани ҳокими К.Обидов ўз фикрларини билдиргач, депутатлар мазкур қонунни қабул қилди.

Парламентнинг кечки йиғилиши «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси билан бошланди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик мазкур масала юзасидан маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи М.Мирҳамзаев, Булунғур тумани ҳокими Х.Боймуродов, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раиси К.Панжиев, Шўрчи тумани «Пахта» акциядорлик жамияти раиси Р.Абдуллаев иштирок этди. Мазкур қонун ҳам қабул қилинди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева сессия эътиборига Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касалидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазирлиги Кардиология илмий-текшириш институти директори Р.Қурбонов, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г.Латипова, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, Ургут тумани ҳокими Ҳ.Нуруллаев сўзга чиққач, депутатлар қонунни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси давом этмоқда.





М.АМИН, Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг Кон-металлургия саноати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда кон-металлургия саноатининг аҳамияти муҳимлигини эътиборга олиб, Навоий кон-металлургия комбинати, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Ўзметкомбинат» Акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзолмосолтин» уюшмаси, «Махсусқотишма» республика ташкилоти, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи бошқа корхоналар кўпминг кишилик жамоаларининг кон-металлургия саноатини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссаларини қайд этган ҳолда:

1. Май ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикасининг Кон-металлургия саноати ходимлари куни» этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 10 май

КЎҲНА ТЕРМИЗНИНГ ҚОРАТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ ҚЎШМА АРХЕОЛОГИК ЭКСПЕДИЦИЯСИ УЧУН БУ ЙИЛГИ БАҲОР АНЧА ОМАДЛИ КЕЛДИ.

ҚОРАТЕПА ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

Буддавийлик билан боғлиқ меъморий обида ва унинг атрофидаги иншоотларни ўрганиш чоғида бу ердан фанга ҳали номаълум бўлган кўплаб ҳайкаллар топилди.

Тепаликнинг шимоли-ғарбий қисмида иш олиб борган экспедиция эрамизнинг учинчи-тўртинчи асрлари, яъни Кушон империяси даврига оид оққумтошдан ясалиб, иншоотни безатишда ишлатилган турли ҳайкалларга дуч келди. Улар асосан буддавийликка тааллуқли ҳайкаллар бўлиб, нафислиги билан диққатни тортади.

Истиқлол берган имкон

БУ ХОРАЗМ ЙЎЛЛАРИ

Йўл қурмоқнинг савоби икки дунё саодатига тенгдир, деган нақл бор. Бунга айниқса мустақиллик йилларида катта эътибор билан қаралмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг минглаб километр йўллари қайта таъмирланиб, янгилари қурилди.

Қамчиқ довонида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрининг ўзида кўплаб янги, замонавий кўприклар қурилиб, йўллар кенгайтирилди. Пойтахтнинг кичик ҳалқа йўли барпо этилаётгани ҳам истиқлол шарофатидандир.

Бу борада вилоятларда қилинаётган юмушлар айниқса қувонарлидир. Мисол тариқасида Хоразм вилоятини олиб кўрадиган бўлсак, бу ерда ўтган ўн йил мобайнида йўлларни қайта таъмирлаш ва янгиларини қуриш борасида кўплаб ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунда, албатта, «Хоразмавтойўл» давлат акционерлик бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг ҳиссаси катта. Улар шу йилнинг биринчи чорагининг ўзида асосий фаолият бўйича 259 миллион сўмликдан ортиқ иш бажардилар. Йўлларни қайта таъмирлаш ишларига 305,1 миллион сўм маблағ сарф қилинди. Ҳаракат хавфсизлиги ҳам эътибор кучайтирилди. Жумладан, шу муддат ичида 181 дона йўл белгиси, 261 дона йўналтирувчи тўсиқлар ўрнатилди. Пиёдалар ўтиш жойлари чизилиб, чорраҳалар эпақага келтирилди.

(Давоми 2-бетда).

Бир ойдирки, «Чимбой-Нукус» йўналишида «Бой ота» хусусий корхонасига қарашли автобус ва енгил машиналар узлуксиз қатнамоқда.

«БОЙ ОТА» ТЕНДЕР ҒОЛИБИ

- Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши қошидаги тендер комиссияси танловида шу йўналишда хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлдик, - дейди корхона раҳбари М.Тлеумурадов. - Ҳар куни ҳайдовчилар тиббий, автомашиналар техник кўрикдан ўтказилади. Йўл ҳақи нисбатан арзон. Ногиронлар, уруш фахрийлари манзилга бепул етказилади. Оналар ва болалар йили муносабати билан ҳафтанинг жума куни ёш болали йўловчилардан кира ҳақи олинмайди.

НАТО ЛОЙИҲАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЮРТИМИЗДА

НАТОнинг «Фан тинчлик йўлида» дастури доирасида «Тошкентда (Ўзбекистон) ва Бишкекда (Қирғизистон) сейсмик хавфни баҳолаш ҳамда уни камайтириш» лойиҳасини амалга оширишда иштирок этаётган бир гуруҳ олимлар Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Гуруҳ таркибида мамлакатимиз, АҚШ, Буюк Британия, Туркия ва Қирғизистоннинг сейсмик хавфсизлик соҳасининг етакчи мутахассислари бор. Урганчда халқаро илмий делегация аъзолари буюк олимлар Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний меъморий ёдгорликларини ҳамда вилоят марказининг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Хива тумани ҳокимлигида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Мазкур учрашувларда маҳаллий олимларнинг Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) мамлакатлари олимлари билан НАТО шаъфелиги остида илмий дастурлар доирасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида сўз юритилди.

- Гуруҳимиз олимлари ҳамкорликда олиб бораётган тадқиқотлар Тошкентда ва Бишкекда содир бўлиши мумкин бўлган зилзилалар хавфини баҳолашга қаратилган, - дейди НАТО лойиҳасининг Ўзбекистон томонидан директори, академик Т.Рашидов. - Бунинг учун Шимолий атлантика альянси 22 миллион Бельгия франки ажратган. Мазкур тадқиқот натижалари мамлакатимиз ва қўшни давлатларнинг бошқа сейсмик хавфли ҳудудларида ҳам қўлланилиши мумкин.

(ЎзА).

Бозор механизмининг бир маромда ишлаши унинг ҳуқуқий асослари қай даражада яратилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари шундай деганди: «Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли кескин ўзгаради. Иқтисодиётни бошқаришнинг асосий усули давлат органларининг бошқарувчилик фаолияти эмас, аксинча, қонун бўлиб келмоқда. Давлатнинг бош вазифаси иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўз маромида ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат».

ҚАРЗДОРЛИКНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

сабабларидан бири айланма маблағнинг йўқлигидир

Муаммо кўндаланг қўйилади

Бу йўл-йўриқ ва кўрсатмалар хўжалик судлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклади. Таъкидлаш жоиз, хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахслар масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги Президент Фармонлари фаолиятимизни янгича талаблар асосида ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган вақт мобайнида биз иқтисодий тангликка юз тутган корхона, ташкилотлар муаммоларини ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилдик. Хусусан, икки йил мобайнида 8 та корхонага нисбатан ташқи бошқарув жорий этилди. Ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли улардан 3 таси мушкул вазиятдан чиқиб, қаддини тиклаб олди. «Ўзбекенгилсаноат» тизимидаги «Чувама» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида вилоят хўжалик судининг ажрими билан 24 ой муддатга ташқи бошқарув йўлга қўйилди. Дастлаб мутасадди банкдан кредит олинди. Ишчи-хизматчилар ўртасида тарғибот ишлари намунали олиб борилганлиги, ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланилганлиги туфайли жамоа ўнгланиш сари юз тутди. Кредит маблағлар банкка тўрт ойда қайтарилди. Энг муҳими, корхонанинг айланма маблағлари тикланди. Соф фойда кўпайди. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш, ички омилларни сафарбар этиш шарофати ила катта миқдордаги дебитор қарзлар ундирилди. Кредитор қарзнинг асосий қисми ҳам эгаларига қайтарилди.

Марҳамат туманидаги «Электроника заводи» очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам имтиҳондан яхши ўтди. Мутасадди раҳбарларнинг қатъиятлиги, изланувчанлиги кутилган натижани берди. Корхона банкротлик ҳолатидан чиқишдан ташқари, миллионлаб соф фойда олишга эришди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, қаерда жамоа шартномаси шартларини бажаришга масъулият билан киришилган бўлса, қонун устуворлигига эришилса, ўша ерда муаммолар бирин-кетин ҳал этилади, иқтисодиёт юксалади.

Бахтга қарши, баъзи ерларда ҳамон ўзибўларчилик, қонунни четлаш ҳоллари давом этяпти. Кимлардир боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмаяптилар. Республика Президентининг Фармонига кўра, хўжалик субъектларига тўловнинг олдиндан камида 15 фоизи ўтказилмай туриб маҳсулот бериш ёки хизмат кўрсатиш ман этилганлигини била туриб, бунга риоя этмаётганлар бор. Очиғи, кўпчилик ҳолларда мажбуриятларни бажариш юзасидан юзага келаётган низоларнинг келиб чиқишига ҳам мансабдор шахсларнинг ўжарлиги, бирёқлама иш юритишлари, масъулиятсизлиги сабаб бўлмоқда. Масалан, вилоят прокуратураси Шаҳрихон туманидаги «АТТ Сервис» масъулияти чекланган жамият даъвогарлигида Андижон шаҳар 1-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланмадан тегишли маблағни ундириш бўйича шартномага асосан олдиндан камида 20 фоиз тўлов амалга оширилиши лозимлигини аниқ-равшан белгилаган бўлса-да, жавобгар низо ҳал этиладиган кунга қадар қарзни тўлашни пайсалга солган. Боз устига айбдор раҳбарга нисбатан жавобгарлик масаласи қўлланилмаган.

Нуқсонларнинг келиб чиқишига яна бир сабаб — ижро таъмин этилишига қарамасдан, уни ташкил этишда ҳамон эски касал давом этаётганидир. Лўндароқ ифодалаганда, биламизки, хўжалик судларининг ҳужжатлари ижросини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 12-модда 2-бандига кўра, суд ижроси қарздорга таклиф юбориш билан бирга, унинг қимматли қоғозлари, мол-мулки ҳамда бошқа шахсларда фойдаланишда бўлган моддий бойликлари хусусида маълумот беришни талаб қилиб, банк, кредит муассасалари, солиқ идоралари, Марказий депозитарий, Фонд биржасига қонунда белгиланган тартибда сўровнома юбориши лозим бўлса-да, негадир бу муҳим жиҳатларга айрим ўринларда эътибор сусайтириб юборилган.

Жалолқудуқ туманидаги 123-ХМКСдан қарзни ихтиёрий ундириш ҳақида суд ижрочиси томонидан ўтган йил майда огоҳлантириш хати берилган. Бироқ, жавобгарнинг мол-мулки орадан салкам тўрт ой ўтгандан сўнг хатланганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Қонунни билмаслик, ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган айрим етакчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлмаганлиги бозор муносабати билан юзага келган муаммоларни вақтида, изчил ҳал этиш имконини бермаяпти. Қайсидир корхона, ташкилотлар иқтисодий ночорликка юз тутиб, меҳнатчилар ҳатто ойлик маошни ҳам вақтида олишолмаётир. Демак, айланма маблағларни ҳосил қилиш, бозор шароитида ишлашга ўзини тайёрлаш, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлаш санъатини пухта эгаллаш бағоят муҳимдир. Бусиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Ф.ШАМСИДДИНОВ,
Андижон вилояти хўжалик судининг раиси.

«Ташаббус — 2001» ғолиблари

Ўтган ойда пойтахтимизнинг ҳашаматли «Туркистон» саройида «Ташаббус—2001» ғолиблари аниқланди. Унда Андижон туманидан «Усмонхожи» фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Болтабоев ҳам қатнашиб, энг яхши фермер деб топилди. У Президент совғини — «Дамас» микроавтобуси билан тақдирланди.

«УСМОНХОЖИ» — ФЕРМЕРЛАР САРДОРИ

— Меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтилмаган. 1995 йили қадрдонларим билан маслаҳатлашиб, фермер хўжалиги ташкил этишга киришдик, — дейди Абдураҳмон ака. — Дастлаб ишни пахта ва ғалла етиштиришдан бошладик. Сўнг фаолиятимизни кенгайтириб, чорва маҳсулотларини қайта ишлашга ўтдик.

Шундай қилиб, ўтган йили фермернинг ер майдони 180 гектарга етди. Натижада 100 тоннадан зиёд пахта, 160 тонна буғдой ҳосили йиғиштириб олинди. Қорамоллар бош сони 343 тага етиб, 25 тоннадан кўп гўшт маҳсулотлар етиштирилиб, 700 тонна сут қайта ишланди.

Хўжаликка чет эл сармояси киритиш ҳам ўз натижасини бераётир. Масалан, 1997 йилда Латвиядан бир кунда 10 тонна сутни қайта ишлайдиган ускуна олиб келиб, ўрнатилди. Ҳозирги кунда бу кичик корхонада сут, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ, музқаймоқ каби 14 хил турдаги маҳсулотлар қадоқланиб, водий вилоятлари ва қўшни Қирғизистон Республикасига етказиб берилмоқда. 1999 йилда эса Европанинг ТАСИС дастури мутахассислари билан ҳамкорликда наслчилик фермаси иш бошлади. Бунинг натижасида ўтган йили 40 бош наслли қорамол фермерларга етказиб берилди. Бундан ташқари, Ўрта Осиё—Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ажратган 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига «Тетра Пак хойер», «Данайс сервисис» компанияларининг сут маҳсулотларини қадоқлайдиган ускуналари олиб келинди. Қисқа вақт мобайнида бу ўз самарасини бериб, кредит муддатидан олдин қайтарилди.

Айни чоғда хўжаликда 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи ишлайди. Уларнинг ўртача иш ҳақи ойига 20 минг сўмни ташкил қилмоқда. Хўжалик аъзоларининг ишдан кейин маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Фермер Андижон туманидаги 3-иқтидорли болалар гимназияси ва 51-ўрта мактабни ўз ҳомийлигига олган. Болаларнинг ўқишга бўлган иштиёқини ошириш учун аълочиларга «Усмонхожи» стипендияси берилиши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Ёрбоши ва Дамариқ маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларга қарийб 700 минг сўм, шаҳардаги 1-гимназияга 390 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уруш қатнашчилари ва Чернобил ҳалокатида ногирон бўлганларга доимий ёрдам бериб турилади.

Хуллас, бултур фермер хўжалиги 180 миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Шундан 50 миллиони соф фойдани ташкил этди. Бу эса ўз навбатида ишловчилар ва шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.



Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири. И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: 1970 йилдан буён ўқитувчилик қилиб келдим. 1999 йилдан имтиёзли пенсияга чиқиб, пенсиядан кейин ҳам ишни давом эттирдим. Пенсияга чиққанимдан кейинги ишлаган даврим ҳисобидан умумий иш стажимни қайта ҳисоблатишим мумкинми?

Қаҳрамон Рустамов,
Челак тумани.



ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддасида бир асос бўйича тайинланган ёшга доир пенсиядан бошқа асосга кўра тайинланган ёшга доир пенсияга ўтишда қўшимча ишланган стаж ва янги иш ҳақидан ҳисобга олиб, қайта ҳисоблаб бериш амалга оширилмайди.

Бироқ янги асос бўйича ёшга доир пенсия амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ талаб қилинган ўша стаж (кам давомли) ҳисобга олиб тайинланади. Бу дегани айрим тоифадаги шахсларга имтиёзли пенсия тайинланганда, ёшга доир пенсия тайинланганидан кўра кўпроқ иш стажи талаб қилинади (масалан, ўқитувчи аёлларга 50 ёшдан имтиёзли пенсия тайинлаш учун 25 йиллик иш стажи талаб қилинади. Умумий асосларда 55 ёшдан ёшга доир пенсия тайинланганда эса 20 йиллик иш стажи талаб қилинади. Шу сабабли уларнинг пенсиялари қайта ҳисоблаш учун асос бўлади). Лекин бу тартиб Сизнинг пенсиянгизни ҳисоблашда тадбиқ этилмайди. Чунки, Сиздан (55 ёшда) пенсияга чиқаётганингизда 25 йиллик иш стажи талаб қилинган.

КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

Қашқадарё вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳузурида хусусийлаштиришга кўмаклашувчи консалтинг маркази ташкил этилди. Марказ бозор инфратузилмасининг хусусий сектордаги барча соҳаларига консалтинг хизмати кўрсатади. Жумладан, давлат ва нодавлат мулкларини баҳолаш, давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган объектларнинг ҳужжатлар пакетини тайёрлаш, чет эл инвесторларига сотиладиган давлат мулки мониторингини юритиш ва ташқи инвесторни топиш, нодавлат корхоналарга иқтисодий ва ҳуқуқий консалтинг хизмати кўрсатиш унинг фаолият доирасига киради.

Шунингдек, консалтинг маркази низомида тадбиркорларга қўшма корхоналар тузиш учун хорижий шериклар топишда ёрдамлашиш ҳам кўзда тутилган.

Меҳнат ва рағбат

МАТБААЧИЛАР МАОШИ

бир йилда 6,5 минг сўмга ошди

Пойтахтга йўлим тушганида ижодкор дўстимни янги китоби билан табрикладим.

— Матбаачиларимизга қойил, - дедим китобни варақларканман ҳайратимни яшира олмасдан. - Сифати хорижникидан қолишмайди-я! Тошкент матбаачилари ҳам жаҳон андозаларига мос ишлайдиган бўлиб қолишди.

Дўстим елкамга қоқиб кулди:

— Соддасиз-да, оғайни. Китоб муқовасидаги ёзувни ўқимайсиз ҳам. Ахир, бу китоб Чуст босмахонасида босилди-ку!

Ажабо, вилоятнинг чекка туманларидан саналган Чустда матбаачилик қай тарика йўлга қўйилди экан-а?

Бунинг тарихи ҳам ўзига хос.

Маълумки, олдинлари ҳамма жойда бўлгани каби Чустда ҳам фақат туман газетасигина чоп этилган. Табиийки, ташқаридан тушадиган катта-кичик буюртмалар ҳам ўз навбатида бажариб келинган. Жамоа сафига махсус маълумот ва малакага эга ходимлар қўшилгач, кичик ҳажмдаги қўлланмалар ва китобчалар чоп этишга ўтилди. Лекин кўп ўтмасдан маълум сабаб билан матбаачилик сари бу интилиш тўхтаб қолди. Мустақиллик йилларида вилоят босмахонасида чинакам жонланиш сезилди.

— Айни дамда босмахонамизда вилоят марказида ва қўшни туманларда тайёрланадиган 7 номдаги газета чоп этилмоқда, - дейди босмахона раҳбари Шукурхон Тошхўжаев. - Китоб босиб чиқариш эса асосий ишимиз бўлиб қолмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 40 номда Наманган, шунингдек, Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятларидан келтирилган китоблар нашр этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 10 номда, жами 30 минг нусха китоб чоп этилди.

Босмахона моддий-техника базасининг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ишнинг сифати ва салмоғини яхшилаб, меҳнат унумдорлигини оширмоқда. «Чуст» босмахонасида чоп этиладиган китоблар мамлакатимиз марказий нашриётлари босмахоналариникидан асло фарқ қилмайди. Мана, бир неча йилдирки, мактаб дарсликлари ҳам муваффақиятли тайёрланмоқда. Айниқса, лотин ҳарфлари асосида турли хил қўлланмалар, китоблар чоп этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Босмахона жамоасининг матбаачилик соҳасида эришган ютуқлари муносиб баҳоланиб, «ВАЗ» енгил автомобили тақдим этилди. Мақсуджон Эргашев, Расулжон Ҳомидов, Фозилжон Каримов, Толибжон Мирзаалиев, Комилжон Мирсултонов сингари ўз ишининг усталари босмахона довруғига довруғ қўшмоқдалар.

«Ёзувчи», «Фан», «Фарғона», «Наманган» нашриётлари билан ҳамкорлик ишнинг бир маромда кетишига, узилишлар бўлмаслигига имкон яратмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 5,5 миллион сўм соф фойда кўрилганлиги бунинг амалдаги исботидир.

— Фидокорона ишлаш, изланиш ва интилиш ҳисобига олинаётган мўмай даромад ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, турмушларини фаровонлаштириш мақсадларига сарфланмоқда, - дейди бу ҳақда гап кетганда босмахона касаба уюшма қўмитаси раиси Сайдулло Яхёев. - Агар ўтган йилнинг шу даврида ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик маоши 13,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 20 минг сўмдан ошди. Тушлик овқатланишнинг бепул этиб белгиланганига анча бўлди. Тумандаги пахта тозалаш корхонаси маъмурияти билан тузилган шартнома асосида ишчилар пахта тозаловчилар сиҳатгоҳида мунтазам равишда ҳордиқ чиқариб келмоқдалар. Дарҳақиқат, босмахона маъмурияти ва касабақўм бу борада кўплаб таҳсинга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, шаҳардаги қатор тиббиёт шохобчалари билан матбаачилар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича шартномалар тузилган. Жамоа аъзоларининг фарзандлари ёзда болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар билан таъминланадилар. Бемор ишчи-хизматчиларга дори-дармон олиш, шифохоналарда даволаниш учун ҳам беминнат ёрдам уюштирилади. Тунда ишлайдиганлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ётоқхона, ошхона ишлаб турибди. Муборак ёшга борганларнинг юбилей тўйларини ўтказиш ҳам анъанага айланган. Жамоанинг кўпчилиги ёшлар, уларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Чунончи, никоҳдан ўтаётганлар учун 7 маош миқдорида ёрдам пули берилади. Тўйдаги транспорт харажатларини ҳам маъмурият ўз зиммасига олган. Жамоа сафида узоқ йиллар меҳнат қилиб нафақага чиққан 10 кишига босмахона ҳисобидан бир неча газетага обуна уюштирилган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

БУ ХОРАЗМ ЙЎЛЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Айни чоғда бирлашма ишчилари томонидан Урганч шаҳар ва туман марказий кўчаларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмда олиб борилмоқда. Хусусан, иккита автокемнинг қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бирида ёқилғи қуйиш шохобчаси, автосервис, меҳмонхона, дам олиш хоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари, бирлашма «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллиги муносабати билан янги боғ мажмуасини бунёд этишда фаол иштирок этмоқда.

Режаларнинг ортиғи билан бажарилиши олинаётган фойданинг кўпайганлиги боис ишчи-хизматчиларнинг ойлиги ўз вақтида тўланиб келинмоқда. Уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқларини тиклаш, меҳнат муҳофазасини яхши йўлга қўйиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Бирлашмада 2 минг нафарга яқин ишчи-хизматчи ишлагани ҳолда, уларнинг ўртача ойлиги қарийб 15 минг сўмни ташкил этади. Бунга овқат пули учун иш ҳақига қўшимча 20-30 фоиз тўланиши ҳисобга олинса, ойлик маош 20 мингдан ошиб кетади. Яна шунингдек, ходимлар туғилган кунлари, байрамларда бажарилган ишлари натижасига қараб мукофотланадилар. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишчилар махсус кийимкечак билан таъминланган. Уларга мунтазам тарзда сут-қатиқ бериб турилади.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида айниқса ходимларнинг соғлиғини тиклаш, дам олишларига аҳамият берилмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг дам олиш масканларига йўлланма сўраб ёзган аризалари тўла қондирилмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида 11 нафар ходим бирлашма касаба уюшма қўмитаси томонидан бепул йўлланмалар билан таъминланди. Уларнинг икки нафари пойтахтда жойлашган «Турон» ва «Чинобод» санаторийларига юборилди. Шундай қилиб юқоридаги 11 нафар ишчи ва хизматчи ўзларининг меҳнат таътилларини сиҳатгоҳларда мароқли ўтказиб, меҳнат қучоғига қайтдилар.

Кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзишдек савобли ишни амалга ошириш бирлашмада яхши анъанага айланган. Вақти-вақти билан, айниқса байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олинади. Озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда. Болаларига ўқув қуроллари ва кийимкечак харид қилинишида кўмаклашилади. Мисол учун, Наврўз байрамида маъмурият томонидан маблағ ажратилиб, ишчи-хизматчиларга нозу-неъматларга тўла дастурхон ёзилди. Кўп болали оилаларнинг бир нечтасига қимматбаҳо совғалар улашилди. Уруш қатнашчилари ва нафақахўрларга ёрдам пуллари берилиб, уларнинг кўнгли олинди. Оналар ва болалар йили муносабати билан бирлашмадаги барча хотин-қизлар 8 март байрами арафасида муносиб тақдирланди. Бу тадбирга жами 780 минг сўм маблағ сарфланди.

Хулоса шуки, бирлашма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси жамоада ишлаётган меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилишга астойдил киришган. Бу эса ўз навбатида ходимларнинг самарали меҳнат қилишига олиб келмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Таниқли гепатолог-олим, Нагоя институтининг (Япония) тиббиёт билим юрти профессори, доктор Массаши Мизоками Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология институти таклифига кўра мамлакатимизга ташриф буюрди.

ЯПОНИЯЛИК ОЛИМ ЭЪТИРОФИ

Бир неча йилдан буён институтимиз ва Япония тиббиёт билим юрти Ўзбекистонда гепатитнинг В ва С вирусларининг молекуляр-генетик тадқиқотлари билан шуғулланади. Ҳамкорликда олиб борган ишлар натижасида республикамиз ҳудудида кенг тарқалган ушбу вирусларнинг молекуляр-генетик тузилиши ҳақида ноёб маълумотлар қўлга киритилди. Олимлар ўрганилаётган вирусларнинг географик тарқалишига асосланиб, В гепатити Европадан Марказий Осиёга Буюк Ипак йўли бўйича келган, деган хулосага келишди.

Япониялик профессорнинг мамлакатимизга ташрифидан кўзланган мақсад - тадқиқотлар натижасини муҳокама этиш ва икки йиллик ҳамкорлик ишларини режалаштиришдан иборат. Доктор Мизоками Ўзбекистон Фанлар академиясида етакчи илмий ходимлар учун «Молекуляр-генетик эволюция ва гепатитнинг В ва С вирусларини ўрганишда уни қўллаш» мавзуида маъруза қилди. Маъруза олимларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Профессор Мизоками Биоорганик кимё институти лабораторияси ва Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти «Радиопрепарат» корхонасини бориб кўргач, ўзбекистонлик олимларнинг салоҳияти юқори эканлигини таъкидлади ҳамда илмий ҳамкорликни давом эттириш истагини билдирди.

(ЎзА).

OLAMDA

ПНОМПЕН. *Камбожада АСЕАН илмий-техникавий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бошланди. Унда ташкилотга аъзо давлатлар олдида турган талай вазифалар, иқтисодий глобализация жараёни, илм-фан ва техника тараққиёти, шунингдек, кучли зилзилалар тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш ҳамда биотехнологияга доир лойиҳаларни амалга ошириш каби масалалар муҳокама этилмоқда.*

* * *

КИЕВ. *Украинада 39 нафар ноқонуний муҳожир қўлга олинди. Маълум бўлишича, улар Украина орқали Венгрияга, ундан эса Европанинг бошқа давлатларига ўтиб кетмоқчи бўлган. Мамлакат божхона хизмати вакилларининг айтишича, улар орасида иккита ёш бола ҳам бор. Қонунбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.*

* * *

ВАШИНГТОН. *Оқ уй маъмурияти Эрон ва Ливияга қарши иқтисодий жазо масаласида ҳали бирор қарорга келиши амри маҳол. Бу ҳақда АҚШ давлат департаменти расмий вакили Ричард Баучер маълум қилди.*

Маълумки, 1999 йилда мамлакат конгресси томонидан мазкур икки давлатни жазолаш тўғрисида қонун чиқарилганди. Ушбу ҳужжатнинг амал қилиш муддати шу йилнинг август ойида тугайди. Айни чоғда конгрессда бу муддатни яна беш йилга узайтириш масаласи устида қизғин муҳокама кетаяпти.

* * *

ИСЛОМОБОД. *Покистонда элликка яқин одам офтоб уриши натижасида ҳаётдан кўз юмди. Хабарларга кўра, мамлакатнинг Панжоб, Белужистон ҳамда Синд вилоятларида ҳаво ҳарорати 45-50 даражага етган. Жазирама қурбонига айланаётганлар, асосан, қариялар ва ёш болалардир.*

Мамлакат метеорологларининг айтишича, иссиқ ҳаво мамлакатда анча вақт сақланиб туради. Муссон ёмғирлари мавсуми эса июл ойининг ўрталарида бошлади.

* * *

МОСКВА. *14 май куни бу ерда «Курск» сувости кемаси ҳалокати сабабларини ўрганиш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлади. Унда «Курск»ни денгиз қаъридан чиқариб олиш бўйича техникавий лойиҳа ҳамда ушбу операцияни ўтказиш муддати тасдиқланиши кутилаётир.*

* * *

АККРА. Чоршанба куни Ганада нохуш воқеа содир бўлди. Футбол ўйини чоғида тартибсизлик юзага келди. Полиция футбол ишқибозларини тартибга солиш учун кўздан ёш оқизувчи газ ишлатишга мажбур бўлди. Ур-сур оқибатида 120 киши ҳалок бўлди, ўнлаб ишқибоз яраланди. Гана ҳукумати ушбу ҳодиса юзасидан текширув ўтказишга киришди.

* * *

РАБОТ. *Жазоирнинг Тизи-Узу вилоятида экстремистик оқимдаги Салафийлар гуруҳи жангарилари томонидан саккиз нафар полициячи ўлдирилди. Хабарларга қараганда, полициячилар қуршовга тушиб қолган ва жангариларга қаршилик кўрсатишга ожизлик қилган. Мамлакат ички ишлар вазирлиги воқеанинг тўлиқ тафсилотларини маълум қилишдан бош тортди.*

* * *

БРЮССЕЛ. Европа Иттифоқи ветеринария қўмитаси Буюк Британияда оқсил касаллиги тарқалгани муносабати билан ушбу мамлакатга нисбатан жорий қилинган тақиқни 19 июнга қадар узайтиришга қарор қилди. Нидерландияга нисбатан эълон қилинган чеклов эса бироз юмшатилди. Ҳали ушбу мамлакатларда оқсил касаллиги тўла бартараф этилгани йўқ, улардан четга чорва моллари чиқариш, гўшт ва сут маҳсулотлари экспорт қилиш тақиқланади, деди қўмита вакили.

* * *

НАЙРОБИ. *Уганда ҳукумати Конго Демократик Республикаси (КДР) шимолидаги ҳарбий қўшинларини зудлик билан олиб чиқишини маълум қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Эрий Категайнинг айтишича, мамлакат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида КДРнинг Уганда билан чегара ҳудудида оз сонли қўшин сақлаб қолинади. КДРдаги айрим исёнчи гуруҳлар ҳамон Уганда хавфсизлигига таҳдид солмоқда, деди Э.Категай.*

* * *

МЕХИКО. Марказий Американинг бир неча мамлакатида яна зилзила юз берди. Салвадордаги зилзиланинг кучи қарийб олти баллга етди. Бу аҳоли орасида катта саросима уйғотди. Хабарларга қараганда, ушбу мамлакатда табиий офат туфайли икки киши ҳаётдан кўз юмган, ўндан ортиқ одам жароҳатланган.



Салвадорда жорий йилнинг январ ва февралида ҳам бир неча бор кучли ер силкиниши содир бўлганди. Ўшанда табиий офат 1300 кишининг қурбон бўлиши, минглаб одамнинг бошпанасиз қолишига олиб келганди.

(ЎзА).

NIMA GAP

ЁРДАМ МАБЛАҒЛАРИ

Ромитанлик бир гуруҳ фермеру тадбиркорлар «Ҳазорбог» қишлоғида яшовчи кам таъминланган оилаларга кўмак бермоқда.

— Ҳар ойда ҳудудимиздаги кам таъминланган ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларга давлат ҳисобидан 3 миллион сўмдан ортиқроқ ёрдам маблағлари ажратилмоқда, - деди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Роҳатой Эргашева «Туркистон-пресс» мухбирига. - Шу билан бирга 40 дан ортиқ фермер хўжаликлари ва 24 та хусусий фирма билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Хусусан, «Йўлдошбобо», «Азизобод», «Азамат» ва «Қўлдошобод» фермер хўжаликлари оилаларга мадад қўлини чўзиб, уларга вақти-вақти билан айниқса байрам айёмида керакли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда моддий кўмак бераётир.

TV дастури

14-20 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ал-Фарғоний». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»)
9.10 «Сизга ўхшагим келади». Мусиқий дастур.
9.35, 12.30 ТВ - метео.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Ўлим билан олишув». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳруҳ» клуби.
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.55 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
13.00 «Мусиқа». Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова билан учрашув.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 Кундузги сеанс: «Ўғил бола гап». Бадиий фильм.
16.10 ТВ-анонс.
16.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.40 Экранда -телесериал. «Мерос».
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ҳамоҳанг наволар».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.



20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тошкент баҳори -2001» 1 Халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиши.
21.50 «Маънавият» дастури.
22.50 Теннис бўйича «Челленжер» Халқаро турнири.
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 май «Ёшлар» телеканали соат 17.15дан бошланади.

17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 26-қисм.
17.45 «Мульттомоша».
18.00 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.20 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 5-қисм.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Абдурашид Саидов куйлайди». Мусиқий фильм премьераси.
20.00 «Ёшлар овози».
20.20 Муҳаббат қўшиқлари.
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Чарли шампани». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.15-1.20 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00, 22.30, 23.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.40, 22.50 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Авто-news».
22.10 «ТВ плюс».
23.10 «Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 ТТВда сериал: «Селеста».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Контакт».
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Болалар куйлаганда».
17.20 «Саёҳатлар олами».
17.35 «Канн фестивалининг кундалиги».
17.45 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.55 «Клип антракт».
21.10 Кинематограф. «Салом, мен холангизман». Бадиий фильм.
22.40 «Ахборот» (рус тилида)
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хаёл».
9.05 Лирик тароналар.
9.25, 12.30 ТВ-метео.
9.30 «Қувноқ шаҳарча». Телеўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Кундузги сеанс: «Суюнчи». Бадиий фильм.
11.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.35, 15.20 ТВ-анонс.
11.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Оиламиз оҳанглари» телефестивали.
12.35 «Маънавият» дастури.
13.35 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
13.55, 16.45 ТВ-клип.
14.10 «Келинлар қўзғолони». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.25 «Бинафша». Тележурнал.
15.50 «Келинлар қўзғолони». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти: «Қирролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар довони».
18.45 Эстрада тароналари.
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Сиз азиз инсонларнинг посбонларисиз». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-»Трактор».
22.30 «Келин -куёв». Телешоу.
23.40 «Ахборот».
00.15 Тунги сеанс: «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мульттомоша».
9.30 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал 26-қисм.
9.55, 12.35, 14.20, 17.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.25 «Саломат бўлинг».
10.45 «Даллас». Телесериал.
11.30 Ёшлар овози.
11.50 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 1-қисм.
12.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.30 «Истиқлол гунчалари». Ҳужжатли фильм.
14.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 5-қисм.
15.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 87-қисм.
16.05 «Келинлар келинг, сирлашайлик».
16.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
17.35 «Мульттомоша».
17.50 Ёшлар куйлайди.
18.05 Минг бир маслаҳат.
18.25 «Авторейд».
18.40 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Ёшлар овози.
20.10 Марду майдон.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Умр дафтари: Мутал Бурҳонов». 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
0.15-0.20 «Хайрли тун!».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Она-шаҳрим жамоли».
18.30, 21.00, 23.00, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.40, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Дурдона».
22.10 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 ТТВда сериал: «Селеста».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00.
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Клип антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50. «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Мультчархпалак».
17.00 «Британия кундалиги».
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Болалар куйлаганда».
17.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
18.25 «Х-Спорт».
18.40 «Зардор куч». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Клип антракт».
21.10 Кинематограф. «Салом, мен холангизман». Бадиий фильм.
22.50 «Ахборот» (рус тилида)
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тўй либослари».
9.15 «Созим - ҳамрозим». Мусиқий дастур.
9.35, 12.25 ТВ-метео.
9.40 «Ёртиқулоқ ва ялқовлар». Мультфильм.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 ТВ-1 кинотеатри «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
11.35 «Камолот сари».
11.50, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
12.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
12.50 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» почтасидан.
13.25 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Мусиқий дастур.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 Саргузашт фильмлар экрани: «Уғирланган». Бадиий фильм.
16.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф»- «Андижон».
17.00 ТВ-клип.
17.05 Экранда -телесериал «Мерос».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Инвестиция».
18.40 «Мусиқий альбом».
18.45 «Ифтихор».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дам олиш дастури.
22.05 «Футбол олами».
«Тунги ҳамроҳ».
22.25 «Замонамизнинг ёш қаҳрамонлари».
22.40 «Дунё эшиклари очилар бизга».
23.00 «Олам». Телеальманах.
23.35 «Ахборот».
00.10 Тунги сеанс: «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55, 12.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 Ватан ҳақида қўшиқлар.
10.25 «Нақшлар бўстони». Телефильм.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
12.05 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.05 «У ким? Бу нима?» Болалар учун кўрсатув.
13.25 Болалар экрани «Бэмбининг болалиги».
14.35 Умид чечаклари.
14.50 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.15 Авторейд.
15.30 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»)
16.45 Вилоятлар ёш хонандалари куйлайди.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
17.40 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.05 Ёшлар куйлайди.
18.20 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 6-қисм.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Сийрат».
19.55, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт - лото».
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.15 Ёшлик наволари.
21.30 «Умр дафтари: Мутал Бурҳонов». 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 «Хайрли тун!».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Она ва Ватан» телеканали.
18.30, 21.00, 23.05, 00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.40, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Янги иқтисод».
22.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Селеста».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Болалар куйлаганда».
17.00 «Кун мавзуси».
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
18.40 «Махфий ҳужжатлар». Сериал (X - files)
19.25 «Аралаш» ҳажвий киножурнал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Кино сайёраси».
21.15 «Клип антракт».
21.30 Кинематограф. «Кит ови». Бадиий фильм.
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба». Мусиқий дастур.
9.15 «Дунё эшиклари очилар бизга».
9.35, 12.20 ТВ-метео.
9.40 «Футбол олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.15 Болалар экрани: «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
11.40 «Инсон ва қонун».
12.05 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.
12.25 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
12.45, 15.15, 17.15 ТВ-анонс.
12.50 «Ишқ сирли қўшиқдир». Мусиқий композиция.
13.20 «Олам». Телеальманах.
13.55, 14.50 ТВ-клип.
14.10 «Билим - ринг».
14.55 «Бизга аталган кун». Адабий кўрсатув.
15.20 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
15.40 Кундузги сеанс: «Дон – Кихот фарзандлари». Бадиий фильм.
16.55 «Бастакор илҳоми». Тележурнал.
17.20 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Сиҳат -саломатлик».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфаат».
21.40 «Санъат - дўстликка чорлайди». Мусиқий дастур.
22.10 «Бугуннинг аёли».
22.50 «Саҳна ҳаёти».
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув».
9.50 Мультфильм.
10.05, 11.40, 13.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.35 Сийрат.
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Ҳисор қўриқхонаси». Телефильм.
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 6-қисм.
14.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
14.50 «Усимликлар дунёси». Телефильм.
15.00 Сенинг вақтинг.
15.20 Спорт қитъаси.
15.50 «Девона». Бадиий фильм. 1-қисм (Хиндистон)
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
17.35 «Мульттомоша».
17.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 7-қисм.
18.15 Ёшлар куйлайди.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Бегойим.
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.30 «Умр дафтари: Мутал Бурҳонов». 3-қисм.
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 «Хайрли тун!».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.30, 21.00, 22.35, 00.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.40, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Мисли гавҳар».
22.10 2001-йил - Оналар ва болалар йили. «Биз ва болалар».
23:20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 ТТВда сериал: «Селеста».
00.30 Кинонигоҳ. «Фарзандларим қаерда?»
2.00-2.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00.-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Болалар куйлаганда».
17.05 «Канн фестивалининг кундалиги».
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Кутқарувчилар. Тезкор чақирув».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бизнес-ревю».
21.05 «Дурдаршан».
21.25 «Клип антракт».
21.40 Кинематограф. «Жуманжи». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Миниатюра- ранг тасвири», «Музей заллари бўйлаб».
9.25, 12.25 ТВ-метео.
9.30 Мумтоз наволар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 ТВ-1 кинотеатри: «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Ажаб саодат эрур». Бадиий - публицистик кўрсатув.
12.30 «Узлигинг намоён қил». Экранда - Наманган вилояти.
12.55 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
13.20 «Саҳна ҳаёти».
13.50, ТВ-анонс.
14.10 «Миллий манфаат».
14.45 Кундузги сеанс: «Буғдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.
16.00 «Нурли манзиллар».
16.15 «Цирк! Цирк! Цирк!»
16.35 «Орзулар қанотида».
16.55 «Муҳофаза».
17.05 Экранда - телесериал. «Мерос».
18.10 «Мозий дурдоналари».
18.30 ТВ-клип.
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
21.30 Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган кеча.
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Академия».
23.15 ТВ-клуб.
23.35 «Ахборот».
00.10 «Олам». Телеальманах.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.50, 12.30, 14.15, 16.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 Минг бир маслаҳат.
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.25 Ёшлар овози.
11.45 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 3-қисм.
12.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.25 Бегойим.
14.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 7-қисм.
15.10 Ёшлик наволари.
15.25 «Девона». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.50 Ҳуқуқ ва бурч.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
17.45 «Мульттомоша».
18.00 Ёшлар куйлайди.
18.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.30 Халқаро музейлар кунига «Қалб садолари». Телефильм.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 Аср қиёфаси.
20.00 Ёшлик қўшиқлари.
20.10 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан. «Саломат бўлинг».
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 4-қисм.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.



22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 «Мунаввар тонг истаб».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Огоҳ».
18.30, 21.00, 22.55, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.40, 22.35 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Мисли гавҳар».
22.10 2001-йил - Оналар ва болалар йили. «Биз ва болалар».
23:20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 ТТВда сериал: «Селеста».
00.30 Кинонигоҳ. «Фарзандларим қаерда?»
2.00-2.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00.-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Болалар куйлаганда».
17.05 «Канн фестивалининг кундалиги».
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Кутқарувчилар. Тезкор чақирув».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бизнес-ревю».
21.05 «Дурдаршан».
21.25 «Клип антракт».
21.40 Кинематограф. «Жуманжи». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 12.10 ТВ-метео.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 «Яшил водий сари». Мультфильм.
10.40 «Телевизион миниатюралар театри».

«Тирик сайёра» кинодастури:

11.15 «Ноилож сайёдлар - 4». Ҳужжатли фильм.
12.15 «Кўҳна замин оҳанглари».
12.30 ТВ-анонс.
12.40 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
13.00 ТВ 1 кинотеатри: «Дўсту душман». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.15 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.35 «Дўсту душман». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» - «Самарқанд - Динамо», «Насаф» -Нефтчи».
17.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
18.10 «Спорт шанбадан шанбагача».
18.40 «Ранглар жилоси».
18.50 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар давраси».



22.35 «Шанба оқшомида». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
23.20 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

23.55 «Аланга». Бадиий фильм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.20 «Мульттомоша».
9.35 Табобат оламида.
9.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 Аср қиёфаси.
10.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
11.25 «Абдурашид Саидов куйлайди». Мусиқий фильм.
11.50 ТВ-саёҳат.
12.15 «Рамаяна». Телесериал.
12.50 Муҳаббат қўшиқлари.
13.10 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 4-қисм.
14.00 Сиз соғинган қўшиқлар.
14.20 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Бархаёт Навоий». 1 - кўрсатув.
14.40 Олтин мерос.
14.45 Синфдош.
15.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.55 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Бархаёт Навоий». 2 - кўрсатув.
16.15 «Кўҳна оҳанглар». Абдуҳошим Исмоилов.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
16.50 «Мульттомоша».
17.05 «Бола тилидан».
17.35 Саломатлик сирлари.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.05 «Футбол плюс...»
18.25 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Хайрат.
20.35, 21.15, 23.00 Эълонлар.
20.40 «Рамаяна». Телесериал.
21.20 2001-Оналар ва болалар йили «Она билан бола-гул билан лола». Мусиқий дастур.
21.30 Кутилмаган меҳмон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 Кинотақдим.
23.05 «Бокиралик асри». Бадиий фильм. 1-қисм.
0.10 Дирижабл.
0.30-0.35 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Саломатлик маскани».
18.30 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.15 «Эҳтиром ила».
19.45, 20.50, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Интер-спорт».
20.20, 21.10 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.00 «Авто-news».
22.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
23.05 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Диско раққоси».
1.40-1.45 «Хайрли тун, шаҳрим».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
10.10 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
10.35 « 7 дан 70 гача».
11.05 «CFI янгиликлари».
11.15 «Экран зийнати ва қиймати».
11.40. Кундузги сеанс: «Доктор». Бадиий фильм.
13.35- 14.25 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Сахий хонадонда», «Машриқ оҳанглари».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Интернет ҳудуди».
17.40 «Мюзик-холл».
18.05 Буюк изкувар. Коломбо ва бошқалар.
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Ток-шоу.
21.25 CFI тақдим этади: «Париж метрополитени».
22.15 Кинематограф. «Уч мушкетёр ва малика тақинчоғи». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».

Кекса профессор ўз ҳамкасабаларига ҳикоя қилмоқда:

— Яқинда туш кўрибман денг. Тушимда талабаларга лекция ўқиётган эмишман. Бирдан уйғониб кетдим. Биласизларми, нимага дуч келдим? Чиндан ҳам лекция ўқиётган эканман.

НИМ ТАБАССУМ

Бар соҳиби официантларга тушунча бермоқда:

— Бугун сизлар одатдагидан мулойим бўлишингиз талаб этилади.

— Нима, текширувчи ташриф буюрадими?

— Йўқ. Шунчаки, олиб келган пивомиз андак сифатсизроқ, тушунарлими...

* * *

Руҳшунос таниши билан ҳол-аҳвол сўрашмоқда:

— Эрингизнинг кайфияти яхшими?

— Доктор, менинг эрим йўқ!

— Шундай денг? Демак, эрингиз ҳали бўйдоқ экан-да.

* * *

Ҳайвонот боғи. Йўлбарс қафаси ёнига келишгач, ўғил отасидан сўради:

— Ада, агар йўлбарс сизни еб қўйса, мен уйга қайси автобусда қайтай?

* * *

Судда гувоҳ билан савол-жавоб бўлаяпти:

— Неча ёшдасиз?

— Ҳисоблаб кўриш керак. Турмушга чиққанимда, мен йигирма ёшда, эрим қирқ ёшда эди. Яъни, мен икки баравар кичик эдим. Ҳозир эрим 70 ёшда, демак, мен 35 ёшдаман.

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДА

янги қорақалпоқ фильмлари ҳақида ўйлар

Кино

Нукус киностудияси мустақиллик йиллари яратган бир қатор фильмлар ижод аҳлининг эътиборини тортди. «Она» (сценарий муаллифи ва режиссёр Торениёз Қалимбетов), «Кўкнор» (сценарий муаллифлари А. Султонов, Т.Қалимбетов; режиссёр Т.Қалимбетов), «Зиуар» (сценарий муаллифлари А.Султонов, Т.Қалимбетов; режиссёр Т.Қалимбетов) каби тасмалар мавзу, жанр, эстетик шакл жиҳатдан ранг-баранглигини кўриб беҳад хурсанд бўлдик. Ўтган йили Бухорода бўлиб ўтган республика кинокўригида «Она» киноновелласи олий совринлардан бирини олишга муяссар бўлдики, бу ҳол қорақалпоқ кинематографчилари қаҳрамон, бадиий ифода воситаларини танлашда устувор ғоялардан келиб чиқаётганликларини тасдиқлади. Қорақалпоқ аёлининг чексиз меҳри, садоқати, бу ўлканинг ўтмишига бўлган муносабати, буюк сиймоларни ардоқлаши муҳаббат билан суратга олинган, нозик дид билан монтаж қилинган, овоз воситалари ила сайқал топган.

Бу асарда («Она» бадиий фильмини назарда тутмоқдамиз) бирор воқеа рўй бермайди. Бирорта сўз ҳам айтилмайди. Мазкур киноновелла қаҳрамони — меҳридарё она, садоқатли ёр, она заминни, авлод-аждод таомилини ардоқлайдиган қорақалпоқ аёли. Катта шаҳардан йироқ бўлган овулда истиқомат қиладиган, кундалик юмуш билан банд бўлган аёлни кинокамера кузатиб боради. Жўхорини майдалаётган, кир ювaётган, овқат пиширaётган, сандиқни очиб фарзандининг жажжи кўйлакларини яна бир марта қайта тахлаётган, юзига суртаётган аёлни кўриб, завқ оламиз, ўйланиб қоламиз. Зеро, бу ҳаяжонли кадрларда қаҳрамоннинг ички монологи янграётгандек бўлади. Айтилган сўз эмас, ижро, тасвир етказади бизга бу монологни. Мукаммал ижрода, сержило тасвир тилида намоён бўлади бу қалб ҳарорати, бу чексиз муҳаббат. Қаерларгадир кетиб, ҳеч қайтмайдиган унинг — онанинг кўз нурларини ўлчаб бўлса эди... У кунига қозон осади. Суюқми, қуюқми овқат тайёрлаб икки коса сузади — ўзига ва дом-дараксиз кетган ўғлига... Эҳтимол, бу оқшом келиб қолар у... Чарчаб, қорни очиб қадрдон уйига қайтар. Она тайёрлаган лаззатли таомдан тамадди қилар. Лекин ўғилдан дарак йўқ...


Шу тарзда ойлар, йиллар ўтади. Ажинлар кўпаяди-ю, она қалби қаримайди, меҳр ўти пасаймайди. Уйқусиз тунлар, ёзнинг узун, жазирама иссиқ кунлари, поёни йўқ дала-ю даштда қад кўтариб турган уйнинг ҳувиллаб қолган хоналари ва ўша ерда истиқомат қилаётган, аниқроғи, кутаётган, бевақт вафот этган умр йўлдошининг чироғини ёқиб турган, оиласига содиқ қолган қорақалпоқ аёлининг кундалик ҳаёти кўз олдимиздан ўтади. Шунда биз иродали, ақлзаковатли, меҳнатдан қочмайдиган юртдошига меҳр қўйиб, ўз халқининг ажойиб фазилатларини намоён этган Торениёз Қалимбетовдан миннатдор бўламиз.

«Кўкнор» публицистик асарида ҳам ҳис-ҳаяжонга тўлиб-тошган эпизодлар талай. Чавандозлар, отлар мусобақасини тасвирлаш орқали урф-одатларни, кишиларни бирлаштирадиган маросимларни улуғлайди режиссёр. Оператор Леонид Юшинов улоқни, чопқир отларни ҳаракатда — мусобақа дақиқаларида суратга олган. Унинг камераси ҳам чавандозлардек ҳаракатда бўлади, гўё. Қиёфаларга «тикилиб» боқади, саман отни минишга ошиққан болакайни кузатиб боради, от гўштини емай, четга қараган ўша бўлажак чавандознинг руҳий ҳолатини бизга етказади... Бундай кадрлар кино публицистикасининг етук асарларида характер яратиш масаласи ҳақида фикр юритишга ундайди. Ўтмишни қайта идрок этиб, катта тарбиявий кучга эга бўлган урф-одатларни қадрлаш бахтига муяссар бўлганимизда бу каби тасмаларнинг қадрига етамиз, албатта.

Буюк қорақалпоқ шоири Ажиниёз ижодига бағишланган «Зиуар» фильмида ўзгача услуб қўлланилган. Бу гал истиораларга, рамзий образларга бой монументал асар яратишга қарор қилинган. Лекин ундаги баландпарвоз матн, актёр ўйинидаги сунъийлик бироз эътироз уйғотади. Ҳужжатли асарда шоир ролини ўйнайдиган актёрга ҳам, кадрда ва кадр ортида ҳамиша янграб турадиган кўтаринки руҳдаги сўзларга ҳам ҳожат йўқ эди аслида. Бу гал кинопублицистиканинг тасвирий имкониятларига ишонмаслик, мавзуни сўз, ижро воситалари ила очишга бўлган уриниш яққол сезилди. Худди шу асарда аввалари қўлланилган услублар, шакллар кўзга ташланади. Муаллиф ва режиссёр мавзу, қаҳрамон, муайян муҳитдан келиб чиқиб эстетик воситалар, талқин йўлларини, мажозий ифодаларни изламаганлари сезилиб қолади.

Нима бўлганда ҳам қорақалпоқ киносида ижод жўш ураётганига гувоҳ бўласиз. Тинимсиз изланиш самаралар бераётганини, айни бир вақтда миллий кинонинг янги даврга ўтиш жараёни анча мураккаб кечишига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ.



А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ТАБИАТДАН АНДОЗА ОЛИБ

Инсоният ибтидосида кўприклар қандай бунёд этилганини биласизми? Дарёнинг ҳар икки қирғоғида шамол ағдарган ёки сув ювиб йиқитган дарахт илк кўприк вазифасини ўтаган.

Шундай кўприкни сунъий равишда ясаш учун қирғоқда ўсаётган дарахтни қулатиб, унинг учини нариги қирғоққа тушириш керак бўлган. Ҳозирда ҳам баъзи қабилаларда шу усулдан фойдаланишади.

Бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа чўзилиб ўсиб ётган чирмовуқлар уларда осма кўприк ясаш фикрини туғдирган.

Ўзбек кураши

Маълумки, ўтган йилнинг май ойида Россиянинг Тверь шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати катта муваффақият билан ўтказилганди. Шуниси эътиборга лойиқки, россиялик ўзбек кураши фидойилари ўсмирлар ўртасида иккинчи жаҳон биринчилигини ҳам Тверда13 май кунлари ўтказишни сўраб Халқаро кураш ассоциациясига мурожаат этдилар.

ГИЛАМГА ЎСМИРЛАР ТУШАДИ

Албатта, ушбу мусобақани ташкил этишдан асосий мақсад ўзбек курашини жаҳон мамлакатларида янада ривожлантириш, кучли ёш полвонларни кашф этишдир.

Халқаро кураш қоидалари асосида ўтказилаётган ушбу биринчиликда 1985-1987 йилларда туғилган ўсмирлар 42, 46, 50, 55, 60, 65, 71, 77 килограммгача ва ундан юқори вазн тоифаларида, қизлар эса 48, 52, 57, 63 килограммгача ва 63 килограммдан юқори вазнларда баҳс юритадилар. Биринчиликда Беларус, Қозоғистон, Туркманистон, Эстония, Тожикистон, Польша, Болгария, Англия, Россия, Ўзбекистон каби ўндан ортиқ давлатлардан ташриф буюрган юзга яқин полвонлар ўз куч-маҳоратини намойиш этади.

Ўсмирлар терма жамоамиз бош мураббий Мурод Дўсимбетов бошчилигида ушбу жиддий турнирга пухта тайёргарлик кўрди. Жумладан, шу йилнинг 15-17 март кунлари Бухоро вилоятида 1985-87 йилларда туғилган ўсмирларимиз ўртасида саралаш мусобақалари ўтказилиб, энг кучлилар танлаб олинди. Жаҳон биринчилигида юртимиз шарафини Умид Бекжонов, Ҳикмат Қуртов, Худойберди Мустоқов, Руслан Саидов, Жонибек Муқимов, Асқар Холмўминов, Умар Мустафоев, Зафар Нуриллаев, Алишер Қурёзов, Баҳром Эрматов, Ўрол Нормуродов, Элмурод Арабов, Акобир Тўрабоев каби ўсмирларимиз ҳимоя қилаётган бўлса, қизлар ўртасида Феруза Ҳайтимбетова, Зулҳижжа Худоёрова, Гулнора Каниёзовалар ғалаба учун кураш олиб боришади. Юқорида тилга олинган курашчиларимиздан беш нафари ўтган йилги жаҳон биринчилигининг ғолиб ва совриндорлари бўлишган.

Ушбу биринчилик миллий спорт туримизнинг жаҳон халқлари олдида яна бир бор намоён бўлиб, янги-янги мамлакатларда кашф этилишида муҳим қадам бўлишига шубҳа йўқ.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Футбол бўйича миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг биринчи босқич ўйинларидаги муваффақиятли иштироки миллионлаб мухлислар кўнглида катта умид ва ишонч уйғотди.

Яқинда вакилларимиз пойтахт аэропортида тантанали кутиб олинди. Суратда кўриб турганингиз маҳоратли футболчимиз Миржалол Қосимовнинг юз-кўзидаги қувонч ва хушнудлик уни иккинчи босқич поёнида ҳам тарк этмасин, деган эзгу тилак кўнгилдан ўтади, беихтиёр.

Энг яхши ҳамшираларимиз

«Ҳамшира» сўзи ўзбек тилининг имло луғатида таъкидланишича опа-сингил маъносини англатади. Ҳақиқатан ҳам ҳамширалик меҳрибонлик тимсолидир. У ҳар бир оилага яқин ва ардоқлидир.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБАСИ

Бувихол Мойлиева нажот ҳамшираси бўлиб 30 йилдан бери Яккабоғ туман марказий шифохонасида ишлайди. Қарши тиббиёт билим юртини имтиёзли диплом билан битиргач, оддий шогирдликдан шифохонанинг бош ҳамширасига қадар бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

— Жамоамизда бир ярим мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари ишлайди, - дейди туман бош шифокори Ботир Жўраев. — Бувихол опа улардан ўз маслаҳатларини аямайди, касб сирларининг нозик томонларини ўргатади.

Б.Мойлиева яккабоғликларнинг энг яқин кишисига айланган. Олий тоифадали ҳамшира самарали меҳнатлари эвазига «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

— Туманимизда 40 мингга яқин оила бўлиб, уларга 570 ўринли 5 та шифохона, шу жумладан иккита туғруқ мажмуаси, оналар ва болалар шифохоналари, тўққизта қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатмоқда, - дейди биз билан суҳбатда Бувихол опа. — Ҳомийлар томонидан 50 миллион сўм маблағ сарфланиб, 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам маркази қурилди.

Оналар ва болалар йилида соғлом авлодни камол топтириш йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Туманда 43 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар яшайди. Ўн тўрт ёшгача бўлган болалар 76348 тани ташкил этади. 48 нафар акушер-гинеколог, 61 нафар болалар врачлари улар хизматига камарбаста.

Шифохонада ўрта тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳамшираларнинг 16 фоизи олий тоифалилардир. Қон қуйиш бўлимидан Муҳтарам Бердиева, туғруқ мажмуасидан Мақсадой Қодирова, Замира Рўзиева, тез тиббий ёрдам марказидан Шарофат Эшқобилова каби ҳамширалар ишга куч-ғайратлари ва меҳр-мурувватларини бахшида этмоқдалар.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Хотира уйғонса гўзалдир

БУГУН МЕН ҚЎШИҚҚА АЙЛАНДИМ...

Деҳқонободлик шоир Ҳусан Эшмурод ўз овози, ўз созига эга ижодкорлардан эди. Зеро, унинг битикларида Ватан, Она, ёр мадҳи ўзига хос оҳангларда куйланарди. Буни қарангки, айни навқирон ёшида ёруғ оламни тарк этган шоир ўлимидан сал олдинроқ нашрга тайёрланаётган китобини «Етим қолган шеър» дея номлаганди. Дарҳақиқат, Ҳусан Эшмуроднинг салмоқлигина ижоди — ажойиб шеърлари етим қолди. Бироқ кўнгилга бир нарса таскин беради. Шеърлари қалбларга малҳам бўлмоқда.

КАЛБИМ НИДОСИ

Ватан-алп қоматли йигит-паҳлавон,
Авлод шуурида аждодлар ёди.
Уни ёзғирганни қўймагай омон,
Оналар сийнасин аччиқ фарёди.

Тарих ғилдираги синмас ҳеч қачон,
Зеро бахтимизни босолмас ғамлар.
Неча бор қулашга чоғланса осмон,
Елкасини тутди мағрур одамлар.

«Ватан-алп қоматли йигит-паҳлавон!»
Ер қаъридан келар ёруғ садолар.
Нопок нағалларга йўл бермас асло,
Туғ қилиб юрагин илган фидолар.

АЁЛ АЛЛА АЙТАДИ

Алла айтар аёл, алла айтади,
Бубак бешигига эгилиб хиёл.
Юлдузлар қўйнига бориб-қайтади,
Дунёни аллага сиғдириб аёл.

Бешикка қўшилиб тебранар умид,
Рўмоли бошидан тушар сирғалиб.
Балки қирчин кетган ёрини ўйлаб,
Алла айтар аёл толдай ирғалиб.

Тунлар синиб кетар оҳанг зарбидан,
Қўшилиб эрийди ой билан қуёш.
Йўқ, у алла эмас, умид ва армон,
Йўқ у алла эмас, қоядай бардош.

* * *


Бугун мен қўшиққа айландим,
Афсуски, айтмоққа мажол йўқ.
Ўйландим, мен роса ўйландим:
Бемаврид ажалга ажал йўқ.

* * *

Таъмани яратган ким бўлса лаънат,
Таънани яратган ким бўлса лаънат.
Эзгулик қўрғони ошкор турганда,
Панани яратган ким бўлса лаънат.

Ҳусан ЭШМУРОД.

БОШҚОТИРМА



Энига: 1.Дуэл вақтида рақибларнинг воситачиси. 4.Ҳароратни ўлчайдиган асбоб. 8.Йиғилиш, кенгаш. 9.Таомга отдош дарё. 10.Уйга киришда биринчи хона. 11.Кир ювиш воситаси. 12.Қиймат, нарх. 13.Масжид саҳнида таҳорат қилиш учун ажратилган хона. 15.Вақтли матбуотда эълон қилинадиган кичик ҳажмли оммавий-илмий асар. 17.Хонлик даврида амалдорларга хизмат қилувчи соқчи. 19.Мошдан тайёрланадиган қуюқ таом. 21.Ойнома. 23.Куч ва чаққонлик талаб этиладиган спорт машқлари мажмуи. 24.Хизмат, топшириқларни бажариш учун ҳарбий бошлиқ ихтиёридаги ёрдамчи офицер. 25.Амал, лавозим. 28.Ҳаво босимини ўлчайдиган металл барометр. 29.Пойтахт шаҳар. 34.Кўпи, анчаси. 36.Уй, бино. 37.Журъат, қатъий қарор. 38.«...юрган таёқ ер» 39.Ер остидаги уй. 40.Кам учрайдиган ҳиндлар исми. 41.Қушлар шоҳи. 42.Қитъа. 43.Узунлик ўлчови.

Бўйига: 1.Оркестр учун ёзилган мусиқа асари. 2.Асбобнинг қўл билан ушлайдиган қисми. 3.Нон пиширишга мосламаси. 4.Тўрт торли мусиқа асбоби. 5.Ҳар вақт, доимо. 6.Қишда сақланадиган ширин, хушбўй олма тури. 7.Суюқликнинг солиштирма оғирлигини ўлчайдиган асбоб. 14.Гулхан, ўт. 16.Ўлдирмоқ, ...этмоқ. 18.Зангламас металл. 19.Саудия Арабистонидаги шаҳар. 20.Авлоднинг насл-насаби. 22.Бир йигитга қирқтаси ҳам камлик қиладиган нарса. 25. «Ўқиб - ... олим» 26.Сўз ичидаги товушларнинг ўрин алмашуви. 27.Йирик пашша. 30.Тўмарисдан мағлубиятга учраган Эрон шоҳи. 31.Чекланмаган ҳуқуқга эга бўлган ҳоким. 32.Африкадаги давлат. 33.«Шоҳнома» қаҳрамонларидан бири. 35.Бирон шахс, ташкилотга тегишли мулкдан вақтинча фойдаланиш. 36.Бахт, саодат.

Тузувчи: Р.ЗОИРОВ.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6